

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Наманган вилоят ҳокимлигининг
ўринбосари

(Handwritten signature)



Наманган вилоят маҳаллий бюджети маблаглари ҳисобидан қуриладиган объектлар бўйича

МАНЗИЛИЙ РЎЙҲАТИ

(Наманган вилояти Кенгашининг 20.10.2022 йилдаги №17-34-129-6-0-К/22-сонли қарорига асосан)

№	Объектларнинг номи ва жойлашуви	Қурилиш бошланиши ва фойдаланишга топшириш йили	Лойиҳа кўрағати	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Капитал қўйилмаларини 2022 йилдаги истикболи					2022 йилда фойдаланишга топшириладиган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг (қайта ҳисоблаш билан) қолдиқ қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.23 й., ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қолдиғи жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Лойиҳа экспертиза санаши ва рақами	Теллер савдолари таслиқланган бўйича санаши ва рақами	Пудратчи қурувчи ташкилот номи
								Жами капитал қўйилмалар	Шу жумладан			Қувват/муддат	Асосий фонд суммаси						
									ҚМИ	Жикозлар	Буюртмачи харажатлари								
А	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Наманган шаҳар Янги Наманган Ғирвонсой кўчасида жойлашган Динамо спорт мажмуасини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	300,000	273,760		26,240		Объект						Танлов
2	Наманган тумани Тошбулоқ шаҳарчаси 2-БЎСМ ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	200,000	185,140		14,860		Объект						Танлов
3	Тўрақўрғон тумани 2-БЎСМга қарашли Ёшлик марказий ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	<u>1 518,890</u> 48,090	<u>1 518,890</u> 48,090	<u>1 518,890</u> 48,090	<u>1 518,890</u> 48,090	700,000	666,810		33,190		Объект				23.11.2022 й №7270	05.12.2022й №197767	"KAPITAL QURLISH DIZAYN SERVIS"МЧК
4	Ҳайит тумани 9-БЎСМ ўйингоҳини мукамал таъмирлаш	2022й	Объект	*	*	*	*	200,000	179,550		20,450		Объект						Танлов
Жами								1 400,000	1 305,260		94,740								

Вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи
инжиниринг компанияси директори



(Handwritten signature)

Д.Матмусаев

МУҲОКАМА АХБОРОТИ

“9” декабр 2022 йил

Наманган.ш

Наманган вилояти ҳудудидаги Наманган вилоят ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси томонидан 2022 йил “25” ноябрдаги 22110012197767-сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли “Ёшлик” марказий ўйингохи ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича «Осим қурилиш дизайн»ж.к томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Ташкилоти раҳбари



Д.Матмусаев

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 197767 на приобретение Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли "Ёшлик" марказий ўйингохи ёрдамчи биносини мукамал таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 05.12.2022

Время рассмотрения 02.12.2022 17:57

Закупочная комиссия Вилюят хокимлигининг Ягона буюртмачи инженеринг компанияси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Иқтисодий масалалар бўйича директор ўринбосари	Наманган вилюят ЯБИК
Секретарь комиссии	RIZAYEV GʻOFIRJON GʻULOMJONOVICH	бош мутахасси	вилюят хокимлигининг ЯБИК
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Бош мутахассиси	Наманган вилюят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER OʻGʻLI	бўлим бошлиғи	Наманган вилюяти инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	бош мутахассиси	Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Наманган вилюят худудий бошқармаси
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	ўринбосар	Наманган вилюят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.12.2022 года № лота 197767.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту нежилого здания
Подробное описание	Таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	666 810 000.00
Стартовая сумма	666 810 000.00
Валюта	UZS

Наименование товара	Услуги по капитальному ремонту нежилого здания
----------------------------	-------------------------------------------------------

(работы, услуги)	
Подробное описание	Таъмирлаш ишларини бажариш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	807 481 401.00
Стартовая сумма	807 481 401.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	5	мавжуд	5	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	5	мавжуд	5	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	10	мавжуд	5	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	10	мавжуд	10	Экспертная		

Критерий №3 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома 8-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	2	мавжуд	2	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	2	мавжуд	2	Экспертная		

Критерий №4 Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар 2-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Декларация, Ташкилотнинг ташкилий структураси, Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	25	мавжуд	16	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	25	мавжуд	18	Экспертная		

Критерий №5 Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома 9-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Ҳужжатларни имзолаш ва танловда қатнашиш ҳуқуқини берувчи ишончнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	2	мавжуд	1	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	2	мавжуд	1	Экспертная		

Критерий №6 Танловдаги объектга ўқшаш объектларда иш тажрибаси 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўқшаш объектларда иш тажрибаси асословчи ҳужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	16	мавжуд	12	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	16	мавжуд	16	Экспертная		

Критерий №7 Машина ва механизмлар рўйхати 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	21	мавжуд	15	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	21	мавжуд	15	Экспертная		

Критерий №8 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи 3-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи асословчи хужжатлари билан

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	19	мавжуд	15	Экспертная		
OSIM QURILISH DIZAYN XK	19	мавжуд	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	1 474 291 401.00	1 470 800 000.00 UZS	1 470 800 000.00	00.00	1 470 800 000.00	01.12.2022 18:58:35	9.9932
OSIM QURILISH DIZAYN XK	1 474 291 401.00	1 469 800 000.00 UZS	1 469 800 000.00	00.00	1 469 800 000.00	02.12.2022 10:04:53	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К	63.9	9.9932	73.8932
OSIM QURILISH DIZAYN XK	73.8	10	83.8

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 197767 от 05.12.2022 года на приобретение Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли "Ёшлик" марказий ўйингохи ёрдамчи биносини мукамал таъмирлаш определила победителем:

OSIM QURILISH DIZAYN XK
301410819

и резервный исполнитель: КОСОНСОЙ САМО ЮЛДУЗИ Х/К (300719701)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	YULDASHOV KOMILBOY GANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	DEDAXANOV FARXOD BAXODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBOXONOV SARDOR ALISHER O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDURAZAQOV ABDUSALOM ABDUSATOROVICH	Согласен	
Член комиссии	ALIMOV DONIYOR MAMATXONOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Наманган вилояти

Namangan viloyati 160100, Namangan shahri, A.Temur ko'chasi, 105-uy, Tel. (69)-233-02-50, E-mail:
namexpert@umail.uz www.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Isakdjanov Avazbek Ismondjonovich

Sana:23-11-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 77270

Obyekt nomi «To'raqo'rg'on tumani 2-sonli bolalar va o'smirlar sport maktabiga qarashli "Yoshlik" markaziy o'yingohi yordamchi binosini mukammal ta'mirlash»

Buyurtmachi - Namangan viloyat hokimligining Yagona buyurtmachi injiniring kompaniyasi

Bosh loyihachi - "KELAJAK-S" xususiy korxonasi

Litsenziya AL-000800 9.06.2020 yilda O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi tomonidan berilgan

Moliyalashtirish manbai - Budget

Bosh pudratchi - Tender asosida

Qurilish turi Mukammal ta'mirlash

Murojaat raqami: № 67686

1. Loyihalash uchun asos

1.1. O'zbekiston Respublikasi Bosh vaziri tomonidan tasdiqlangan 29.04.2022 yildagi 91-sonli bayon (29.04.2022 y., reg.№ 07-07/1-4053).

1.2. Xalq deputatlari Namangan viloyati kengashining 20.10.2022 yildagi VI-34-129-6-0-K/22-sonli qarori.

1.3. Buyurtmachi tomonidan tasdiqlangan va Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi bilan kelishilgan loyiha topshirig'i.

1.4. "KOMMUNALTA'MIRLOYIHA" MCHJ tomonidan 2022 yilda bajarilgan texnik tekshirish natijalari bo'yicha xulosa.

1.5. "GEO VALLEY GOLD" MCHJ tomonidan 2022 yilda bajarilgan qurilish maydonining muhandislik-geologik sharoitlari to'g'risida xulosa

1.6. Loyiha va tadqiqot ishlari uchun tuzilgan 2022 yildagi 228-sonli shartnoma.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. "Ishchi loyiha"ni ishlab chiqish bosqichidagi loyiha hujjatlari:

- Umumiy tushuntirish yozuvi.

- Yordamchi bino. Arxitektura va qurilish, isitish va shamollatish, suv va oqavasuv ta'minoti, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya qismlari.

- Nasosxona va 100 m³ hajmli suv xovuzi.
- Bosh reja va tashqi muhandislik tarmoqlari.
- Smeta hujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Qurilish uchastkasi tavsifi.

Mukammal ta'mirlanayotgan yordamchi bino To'raqo'rg'on tumani 2-BO'SMga qarashli "Yoshlik" markaziy o'yingohi hududida joylashgan bo'lib, tanlangan joy IV-iqlimiy sharoitga to'g'ri keladi. Zilzilaga bardoshlilik bo'yicha - 8 ball. Tashqi havo harorati - 14°s. Me'yoriy qor yuklamasi - 0,50 kPa va shamol yuklamasi - 0,38 kPa. Poydevor ostining 1-qatlamida galechnik (qatlam qalinligi 8,5 metrgacha) asos bo'lib xizmat qiladi. Yerning seysmik holati bo'yicha toifasi - II. Yer osti suvlari 10 metr chuqurlikkacha aniqlanmagan. Yerni tuzilish reliefi - tekis.

3.2. Bosh reja.

"Yoshlik" markaziy o'yingohining mavjud 27800 m² hududida joylashgan: mavjud bino va inshootlar, mukammal ta'mirlanayotgan yordamchi bino va loyihalananayotgan nasosxona, 100 m³ hajmli suv xovuzi. Hudud obodonlashtiriladi.

3.3. Loyihaning asosiy yechimlari.

1. Yordamchi bino (mukammal ta'mirlash).

Bino - 1 qavatli, yerto'lasiz, pishiq g'ishtdan, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, "A-V" va "1-3" o'qlar bo'yicha 21,0mx12,4m o'lchamda, xonalar balandligi - 2,7m. Texnik xulosaga ko'ra binoning umumiy xolati qoniqarli. Mukammal ta'mirlash jarayonida tomni ta'mirlash, xonalarni qayta moslashtirish, pardadevorlarni buzish va yangilash, ichki va tashqi pardozlash ishlarini bajarish, eshik va derazalarni almashtirish, pollarni ta'mirlash, isitish, shamollatish, ichimlik va oqavasuv ta'minoti, elektr yoritish, yong'in signalizatsiya tizimlarini ta'mirlash va qurish, shuningdek loyihaga asosan boshqa ishlarni bajarish ko'zda tutilgan.

2. Sug'orish tizimi.

Loyihada sug'orish tizimini qurish ko'zda tutilgan bo'lib, tizim turli xil diametrdagi plastmassa quvurlardan tashkil topgan. Sug'orish uchun suv purkagichlar o'rnatish loyihalangan. Sug'orish tizimi faoliyat uchun bir dona nasosxona va 100 m³ hajmli suv xovuzi qurish ko'zda tutilgan.

3. Nasosxona.

Bino - 1 qavatli, to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, "A-B" va "1-2" o'qlar bo'yicha 3,4mx4,8m, xona balandligi - 2,4m.

4. 100 m³ hajmli suv xovuzi.

Xovuz - yaxlit quyma temir-betondan (beton markasi V20), to'g'ri to'rtburchak shaklni tashkil etib, devorlari bo'ylab 5,75mx9,0m o'lchamdan iborat, xovuz chuqurligi - 2,05 metr.

5. Obodonlashtirish.

Loyihada 4 sm qalinlikdagi 6645 m² asfaltobeton qoplama qoplash ko'zda tutilgan. Shuningdek, mavjud tashqi qo'rg'on devorni joriy ta'mirlash ishlari inobatga olingan.

4. Loyihalananayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. *Muhandislik ta'minoti* – mavjud tarmoqlardan nazarda tutilgan.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

- Bosh reja, fasad chizmasi Namangan viloyat Qurilish bosh boshqarmasi va To'raqo'rg'on tumani Qurilish bo'limi bilan kelishilgan.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Ekspertiza jarayonida mutaxassislarning izohlariga muvofiq loyiha hujjatlariga quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:

6.1.1. Bosh rejada asfalt maydoni – ko'rsatildi va tuguni – ishlandi.

6.1.2. Texnik tekshirish natijalari bo'yicha xulosa – taqdim etildi.

6.1.3. ShNQ 2.08.02-09*ga asosan asosiy kirish joyida tambur – ko'zda tutildi.

Isitish va shamollatish

6.1.4. Umumiy tushintirish yozuzi – taqdim etildi.

6.1.5. Isitish tizimi ishchi chizmasi – qayta ishlandi.

6.1.6. Shamollatish loyiha yechimlari ShNQ 2.08.02-09* ning 4.13* va 4.14 bandlariga muvofiqligi – qayta ishlandi.

6.2. Ekspertiza natijalariga ko'ra buyurtmachining boshqa xarajatlarisiz va qo'shimcha qiymat solig'i (QQS) bilan 1521435,075 ming so'm miqdorida taqdim etilgan loyiha qiymati 47143,674 ming so'mga kamaytirilib, **1474291,401 ming so'm** qilib belgilandi. Xususan:

Qurilish-montaj ishlari:	1174537,525	ming so'm
Asbob-uskunalar:	107454,998	ming so'm
QQS:	192298,878	ming so'm

6.3. Yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan qurilish tugagandan so'ng nazorat o'lchovi natijalari asosida aniqlanadi.

6.4. Buyurtmachi loyiha hujjatlarini tasdiqlashdan oldin belgilangan tartibda barcha manfaatdor vakolatli organlar bilan kelishishi lozim.

6.5. Ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan loyiha hujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyiha yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

7. Xulosalar.

7.1. Ekspertiza natijalarini hisobga olgan holda "To'raqo'rg'on tumani 2-sonli bolalar va o'smirlar sport maktabiga qarashli "Yoshlik" markaziy o'yingohi yordamchi binosini mukammal ta'mirlash" ishchi loyihasi kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

Bosh mutaxassis: Abdunazarov Nemadjon Abdurazakovich

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 197767

2022 йил 9 декабр

Наманган ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Наманган вилоят хокимлигининг Ягона буюртмачи-инжиниринг компанияси номидан Низом асосида иш кўрувчи компания директори Д.М.Матмусаев бир томондан ва кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Осим курилиш дизайн» хусусий корхонаси номидан Низом асосида иш курувчи корхона раҳбари М.Икромов, иккинчи томондан Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли "Ёшлик" марказий уйингохи ёрдамчи биносини мукамал таъмирлаш объекти бўйича ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини тузиб имзоладилар.

I. Тарифлар.

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиладиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига кўра лойихада кузда тутилган Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли "Ёшлик" марказий уйингохи ёрдамчи биносини мукамал таъмирлаш объекти бўйича ишларини бажариш мажбуриятлари олади. Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур бўлган шароитларни яратиш, уларни қабул қилиш ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисобидан тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар, танлов (тендер) савдоси натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг 2022 йил 5 декабрдаги №197767–сонли баённома (лот №197767) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС билан 1 469 800 000 (бир миллиард тўрт юз олтмиш тўққиз миллион саккиз юз минг) сўмни ташкил этади. 2022 йилда шартномани ажралмас қисми бўлган молиялаштириш графиги ва тасдиқланган манзиллий дастурга асосан 666 810 000 сўм маблағ молиялаштириб берилади. Қолган 802 990 000 сўм маблағ келгусида маблағ ажратилган сўнг молиялаштириб берилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

курилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг 30 фоизи - 440 940 000 (тўрт юз қирқ миллион тўққиз юз қирқ минг) сўми ташкил этиб, аванс маблағлари белгиланган тартибда молиялаштирилади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал (2, 3 - илова)лари асос ҳисобланади.

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, қурилиш даврига берилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ билан таъминлагандан сўнг объектнинг умумий, шартномавий - жорий қийматининг 95 фоизи доирасида амалга оширилиши кўзда тутилиб, шундан 5 фоизи объектни белгиланган тартибда фойдаланишга топширилганлиги тўғрисидаги давлат қабул комиссиясининг далолатномаси, фойдаланишга қабул қилинганлиги ҳақидаги қарор ва авизо тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.

17. Мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддати тамом бўлгандан сўнг қолган 5 фоизли кафолат қийматини молиялаштириб берилиши ҳақида фойдаланувчи, Буюртмачи ва Пудратчилар иштирокида тузилган далолатнома ёки розилик хати тақдим этилганда объект шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағ ҳисобидан молия йили тугагунга қадар тўлаб берилади. Ушбу 5 фоиз кафолат маблағлари учун етарли миқдорда маблағ ажратилмаса, буюртмачи ўз ҳисобидан ушбу объект бўйича 5 фоизлик кафолат маблағини тўлаш мажбуриятини олмайди.

18. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, Наманган туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

VIII. Ишларни бажариш

19. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

25. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

29. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

44. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

47. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12 ой** этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **12 ой** этиб белгиланади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида нуқсонлар аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Қурилишсоҳасиданазорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иктисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

51. Буюртмачи куйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама тартибда, Пудратчининг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда, пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда, бундан ташқари Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52. Пудратчи:

66. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

70. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

71. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб,

- тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугугандан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасиликни;

- тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлашни;

- ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда норасмий пул ёки моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаслик ва таклиф этмасликни кафолатлайди.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

“Буюртмачи”

“Пудратчи”

Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона
буюртмачи инжиниринг компанияси

Манзил: Наманган ш. Амир Темур к. 105

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги ғазначилиги

Ш.х.в* 100021860144017083100135013

ИНН 204 808 298 ОКЭД 70220

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар
бош бошқармаси ҳисоб-китоб касса Маркази

Ягона ғазна х/в 2340 2000 3001 0000 1010

МФО 00014 ИНН 201 122 919

Матмусаев Дилшод Махамматюсупович

М.Ў.

(Имзо)

«Осим қурилиш дизайн» хусусий корхонаси

Манзил: Туракургон т. М.Каюмов МФЙ

Тел: 91-358-49-99, 91-342-17-99

х/р 2020 8000 9048 2091 9001

Кишлоқ қурилиш банк Наманган минтақавий
филиали.

МФО 01037 ИНН 301410819 ОКЭД 41202

Икромов Мухитдин

М.Ў.

(Имзо)

Ҳуқуқий экспертиза-хулосаси

Ушбу пудрат шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Шу сабабли, ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Компания ҳуқуқий маслаҳатчиси

К.Тулашев

« »

2022 й.



Курилиш-монтаж ишларини суғурталаш шартномаси бўйича

СУГУРТА ПОЛИСИ

№ 06/08-09-13-16/00821

Мазкур Полис 2022 йил “10” Декабрь даги 06/08-09-13-16/00821-сон Курилиш-монтаж ишларини суғурталаш шартномасига мувофиқ суғурта мукофоти тўланганлиги шarti билан “TRUST-INSURANCE” АЖ суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини ва суғурта муддати мобайнида амалда бўлишини тасдиқлайди.

Суғурта қилдирувчи	«ОСИМ ҚУРИЛИШ ДИЗАЙН» Х/К
Объект номи	Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли "Ёшлик" марказий ўйингоҳи ёрдамчи биносини мукаммал таъмирлаш объекти
Суғурта пуллари	1 469 800 000,00 (Бир миллиард тўрт юз олтинчи тўққиз миллион саккиз юз минг) сўм. РУз
Суғурта мукофоти	3 997 856,00 (Уч миллион тўққиз юз тўқсон етти минг саккиз юз эллик олти) сўм. РУз
Суғурта муддати	2022 йил “10” Декабрь дан 2023 йил “31” Март гача.
Курилиш кафолати муддати	112 кун.
Суғурта Мукофоти Туланган сана	2022 йил “10” Декабрь.
Суғурта полиси Тақдим этилган сана	2022 йил “10” Декабрь.
“TRUST-INSURANCE” АЖ Наманган шаҳар филиали Мансуров И.	



мухр ўрни

TI 0022133